

Патрул-Пост Хизмати: Ҳуқуқий Мақоми Ва Вазифаларининг Шаклланиши

Турақулов Зоҳиджон Зокиржонович

Республикаси ИИВ Малака ошириш институти мустақил изланувчиси

Аннотация: ушбу параграфда Ўзбекистон Республикасида патрул-пост хизмати фаолиятининг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифалари илмий-ҳуқуқий таҳлил этилади. Миллий қонунчилик асослари, хорижий амалиётлар, ЕХХТ ва БМТнинг халқаро стандартлари ҳамда маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари асосида патрул-пост хизматининг институционал мақоми, ваколатлари, профилактикадаги роли ва фуқаролар билан ҳамкорлик мезонлари ўрганилади. Шунингдек, амалдаги ҳуқуқий тизимдаги муаммолар, функционал дублёрлаш ҳолатлари ва норматив зиёнлар таҳлил қилинади ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: патрул-пост хизмати, ҳуқуқий мақом, жамоат хавфсизлиги, профилактика, қонунчилик, ички ишлар органлари, халқаро стандартлар.

Бугунги кунда жаҳон ва минтақавий миқёсда кузатилаётган хавфсизлик таҳдидлари, урбанизация жараёнларининг тезлашуви, аҳолининг ўсиши ва жинойтчиликнинг янги, мураккаб шакллари ва вужудга келиши жамоат тартибини сақлаш масаласини давлат ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирди. Бу шароитда ички ишлар органлари тизимидаги **патрул-пост хизмати**, жамоат хавфсизлигини кафолатлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар доирасида **инновацион профилактик ёндашувлар** жорий этилди. Хусусан, ҳуқуқбузарликларга олиб келаётган ижтимоий-маиший муаммоларни бартараф этишга қаратилган **ижтимоий профилактика чора-тадбирлари тизими** шакллантирилиб, шахсий хавфсизлик тўғрисида жамиятда мустақамлашга йўналтирилган комплекс чоралар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2025 йил 3 январь куни Президент *Ш.М. Мирзиёев* ташаббуси билан қабул қилинган “2025 йилда Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1-сон Қарори¹ “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида² белгиланган устувор мақсадларга эришишда муҳим қадам бўлди. Мазкур қарор республика миқёсида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида масъул давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган.

¹ Мирзиёев Ш.М. “2025 йилда Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/7330260>

² Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат» тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш” деб номланган бўлим // <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

Шу билан бирга, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича ташкилий-профилактик фаолият янги босқичга кўтариш мақсадида ички ишлар вазирлиги тизимида жамоат тартибини сақлашга масъул бўлган пост-патрул хизмати фаолиятини фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни манзилли ҳамда комплекс ёндашувлар асосида бартараф этиш, жиноятчиликнинг эрта олдини олиш тизимининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса, профилактика ва патрул хизматлари фаолиятининг ҳуқуқий, ташкилий ва институционал жиҳатдан янада такомиллаштирилишини долзарб вазифа сифатида белгилайди.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда жамоат хавфсизлигини таъминлашда патрул-пост хизмати фаолиятининг самарадорлигини ошириш, унинг ҳуқуқий мақоми ва амалий вазифаларини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот жараёнида қуйидаги саволни ўртага қўйиш мақсадга мувофиқдир: *патрул-пост хизмати бугунги кунда қандай ҳуқуқий мақомга ва асосий вазифаларга эга?*

Ушбу саволга илмий ечим топиш ва амалдаги ҳолатни ҳолис баҳолаш учун, энг аввало, патрул-пост хизматининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи ва унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини таҳлил қилиш талаб этилади. Хусусан, янги Ўзбекистон шароитида патрул-пост хизмати фаолиятини тўғридан-тўғри тартибга солувчи қуйидаги асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилий тадқиқ этишни тақозо этади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси³нинг 21 ва 33-моддаларида инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат томонидан таъминланиши белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу конституцион норма патрул-пост хизматининг асосий йўналиши — шахс хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш учун ҳуқуқий асос ҳисобланади. Конституциядаги бу нормалар фуқароларнинг ҳуқуқий дахлсизлиги ва хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган, бу эса патрул-пост хизмати фаолиятининг юксак ижтимоий мақомини белгилайди;

иккинчидан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун⁴ (2016 йил, янги таҳрир)да патрул-пост хизмати ички ишлар органларининг муҳим фаолият соҳаларидан бири сифатида белгиланган. Қонуннинг 11-моддасида патрул-пост хизмати ходимларининг ваколатлари, мажбуриятлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шахс ва мулкни ҳимоя қилиш, жамоат жойларида тартибни таъминлашга доир вазифалари аниқ баён этилган. Шунингдек, ушбу қонунда жисмоний куч, махсус воситалар ва қуроллардан фойдаланиш шартлари, фуқаролар билан мулоқот этикети ва хизмат фаолияти устидан жамоатчилик назорати каби жиҳатлар ҳуқуқий тартибга солинган;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сонли Фармони⁵ патрул-пост хизмати тизимини ислоҳ қилиш жараёнида стратегик аҳамиятга эга ҳужжат сифатида қайд этилади. Унда ички ишлар органлари, хусусан, патрул-пост хизматининг фаолиятини қайта кўриб чиқиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика механизмларини кучайтириш, ходимларнинг маънавий-ахлоқий ва касбий тайёргарлигини ошириш каби чора-тадбирлар белгиланган. Мазкур фармондаги вазифалар амалий механизми сифатида ходимларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш, уларни ҳисобдор қилиш, рақамлаштириш орқали фаолият самарадорлигини ошириш белгиланган;

тўрттинчидан, 2017 йил 1 майда қабул қилинган ПҚ–2940-сонли Президент қарори⁶ “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги

³ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/6445147>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун / <https://lex.uz/docs/3027843>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сонли Фармони / <https://lex.uz/docs/3159827>

⁶ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2940-сонли Қарори / <https://lex.uz/docs/3202965>

фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” номи билан патрул-пост хизмати фаолиятининг норматив-ташкилий моделини белгилаб берди. Қарорда патруллик йўналишларини замонавий талаблар асосида шакллантириш, жамоат назорати механизмларини жорий этиш, фуқаролар гавжум жойларда доимий мониторинг ўрнатиш, видео кузатув тизимлари билан интеграциялашиш чоралари белгиланди. Шунингдек, ҳудудий хизматларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ва уларга мустақил ташкилий структура сифатида ёндашиш лозимлиги таъкидланади;

бешинчидан, Вазирлар Маҳкамаси⁷нинг 2017 йил 9 октябрдаги 808-сонли қарорига мувофиқ, патрул-пост хизматининг фаолияти шартномавий-ҳуқуқий асосда ҳам амалга оширилиши мумкин. Мазкур қарор доирасида давлат органлари ва хусусан, хусусий сектор вакиллари (*тижорат марказлари, вокзаллар, бозорлар*) билан ҳамкорликда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими шакллантирилган. Бунда хизматнинг молиявий таъминоти, масъулиятни тақсимлаш ва ҳуқуқий кафолатлар қатъий белгиланган;

олтинчидан, Ички ишлар вазирлигининг “Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тўғрисида”ги Низоми⁸да хизматнинг институционал тузилиши, асосий вазифалари, марказ ва ҳудудий органлар ўртасидаги муносабатлар, оператив бошқарув ва хизмат назорати тартиблари белгилаб қўйилган. Низомда патрул-пост хизматининг стратегик вазифаси сифатида профилактик ишлар олиб бориш, жиноятчиликни аниқлаш ва олдини олишда фаол иштирок этиш, фуқароларнинг қонуний талабларини таъминлаш, оммавий тадбирларда тартибни сақлаш каби масалалар белгиланган;

еттинчидан, Ички ишлар вазири⁹нинг 2023 йил 20 февралдаги 77-сон буйруғида патрул-пост хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қатор амалий чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, хизматни рақамлаштириш, иш юкламаларини таҳлил қилиш асосида қайта ташкил этиш, патрул-навбатчилик тизимини мукамаллаштириш, жисмоний ва маънавий тайёргарликни баҳолаш мезонларини жорий этиш белгиланган. Ушбу буйруқ орқали хизмат самарадорлиги устидан тизимли мониторингни ташкил этиш асослари яратилган.

Ушбу ҳужжатлар тизимли тарзда таҳлил қилиниши патрул-пост хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асосларини илмий жиҳатдан тушуниш, унинг институционал мақоми ва жамиятдаги ўрнини баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга, мазкур ҳужжатларда патруль-пост хизматининг ҳуқуқий мақоми, унинг вазифалар ва функциялар орқали патрул-пост хизмати давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашда муҳим ижтимоий институт сифатида намоён бўлади.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи ҳар бир давлат органининг мақоми ва функционал вазифалари амалдаги қонунчилик асосида аниқ тартибга солинган. Шу жумладан, патрул-пост хизмати ҳам ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, у давлат-ҳуқуқий институт сифатида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, оммавий тартибни сақлаш каби ижтимоий аҳамиятга молик фаолият турларини амалга оширади. Хусусан, патрул-пост хизмати Ўзбекистон Республикасининг “*Ички ишлар органлари тўғрисида*”ги Қонунида ўз аксини топган бўлиб, мазкур Қонуннинг 11-моддасида ички ишлар органларининг вазифалари қаторида жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек,

⁷ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги “Патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум жойларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни шартномавий-ҳуқуқий асосда амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 808-сонли Қарори / <https://lex.uz/docs/3372836>

⁸ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тўғрисида”ги Низоми

⁹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2023 йил 20 февралдаги 77-сон буйруғи

жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифалар сифатида белгиланган¹⁰.

Бу жиҳатдан қаралганда, патрул-пост хизмати ички ишлар органларининг таркибий бўлими сифатида ижроия ҳоқимиятнинг муҳим элементи бўлиб, унинг ҳуқуқий мақоми – фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда амалга ошириладиган фаолиятдир. Унинг вазифалари эса нафақат жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини таъминлаш, балки ҳуқуқбузарликларнинг барвақт аниқланиши ва тегишли профилактик тадбирларни амалга оширишни ҳам қамраб олади.

Патрул-пост хизмати фаолиятининг ҳуқуқий мақоми ва функционал вазифаларини тўлақонли тушуниш ҳамда унинг давлат-ҳуқуқий институт сифатидаги ўрнини баҳолашда миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар томонидан илгари сурилган илмий назарий қарашларни таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, *М.М.Юсупов* фикрича, ҳуқуқий назария нуқтаи назаридан, патрул-пост хизмати давлат ҳоқимиятининг ижроия органлари тизимидаги алоҳида ҳуқуқий субъект ҳисобланиб, унинг ҳуқуқий мақоми оммавий-ҳуқуқий нормалар билан белгилаб қўйилади. Мазкур мақом давлат ва фуқаро ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда ички ишлар органларининг мажбуриятлари, ваколатлари ва жавобгарлигини ифода этади¹¹. Шунингдек, *И.Раҳмонов, Ж.Фозилов* ва *А.Ҳақимов* каби ҳуқуқшунослар патрул-пост хизмати фаолиятини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги профилактик ва жиноятнинг олдини олувчи тармоқ сифатида баҳолайдилар. Уларнинг фикрига кўра, патрул-пост хизмати самарадорлигини ошириш учун рақамли назорат воситаларини жорий этиш ва ходимлар тайёргарлигини тизимли равишда такомиллаштириш зарур¹². Ҳуқуқшунос олим *С. С. Шарипов*¹³ эса ички ишлар органлари патруль-пост хизматининг тузилишини ҳамда жамоат тартибини сақлаш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар таҳлил қилган. Профессор *И.Исмаилов*¹⁴ эса ўз илмий изланишларида эса патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш тизимида амалга ошириладиган туб ислохотларни мазмун-моҳиятига кўра 5 та босқичга бўлиб ўрганганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, россиялик ҳуқуқшунос олим *О.В.Десятова* ўзининг “Типичные нарушения законности в деятельности сотрудников строевых подразделений патрульно-постовой службы полиции: правовая оценка и предупреждение”¹⁵ номли асарида патрул-пост хизмати ходимлари фаолияти жамиятда ҳуқуқий тартиботни таъминлашга хизмат қилувчи **институционал-ҳуқуқий механизм** бўлиб, уларнинг вазифалари аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган бўлса-да, амалиётда қатор қонуний бузилишлар кузатилади. Бу ҳолат, ўз навбатида, патрул-пост хизматининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, унинг вазифаларини қайта концептуал таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради дейди. Шунингдек, у ўз илмий ишларида патрул-пост хизмати фаолиятидаги асосий вазифаларни қуйидагича тизимлаштиради: *жамоат тартибини таъминлаш; ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси; фуқаролар билан профилактик ишлар олиб бориш; жиноятларнинг олдини олиш ва уларга тезкор муносабат билдириш; оммавий тадбирлар пайтида хавфсизликни таъминлаш.*

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, №ЎРҚ-408, 16.09.2016.

¹¹ Юсупов М.М. “Маъмурий ҳуқуқ назарияси”. – Т.: Адлия, 2021 й. 128-бет

¹² Раҳмонов И., Фозилов Ж., А. Ҳақимов. “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида патрул хизматининг ўрни ва аҳамияти”. – Т.: ИИВ академияси нашри, 2020.

¹³ Шарипов С. С. “Ички ишлар органлари патруль-пост хизматининг фаолиятини такомиллаштириш” // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Ахборотномаси” 2017 й. 3-жилд 37-40-бетлар.

¹⁴ Исмаилов И. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни – тинчлик ва осойишталикни таъминлаш гарови // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2016. – № 4. 20-б.

¹⁵ Десятова О.В. “Типичные нарушения законности в деятельности сотрудников строевых подразделений патрульно-постовой службы полиции: правовая оценка и предупреждение” // <https://cyberleninka.ru/article>

Бундан ташқари, мутахассиснинг фикрича, патрул-пост хизматининг фаолиятидаги қонунийликнинг таъминланиши нафақат ички назорат ва ҳуқуқий тартибга, балки ходимларнинг *касбий тайёргарлиги, ҳуқуқий онги, қонунчиликни билиши ва ахлоқий қадриятларга садоқати* билан чамбарчас боғлиқдир². Шу сабабли, унинг назарий қарашларида патрул-пост хизмати ходимларининг ҳуқуқий мақоми нафақат ҳуқуқлар ва мажбуриятлар мажмуи сифатида, балки *жамият олдидаги ижтимоий масъулият* нуктаи назаридан ҳам баҳоланади.

Муаллиф патрул-пост хизматида қонунбузарликларнинг олдини олишдаги асосий омил сифатида қуйидагиларни қайд этади:

1. нормаларнинг аниқлиги ва қонуний асосли вазифалар билан таъминланганлиги;
2. ички идоралараро назоратнинг самарадорлиги;
3. шахсий таркибни ҳуқуқий-ахлоқий тайёрлаш механизмларининг такомилли.

Ушбу қарашлар патрул-пост хизмати фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Зеро, муаллиф таъкидлаганидек, “патрульно-постовая служба представляет собой важнейшее звено в обеспечении общественного порядка и безопасности, и потому требует высокого уровня правового регулирования и системной профилактики нарушений законности”. Шу нуктаи назардан, *О.В. Десятова* патрул-пост хизматининг ҳуқуқий мақомини шакллантиришда фақат институционал тушунча билан чекланиб қолмай, балки унинг *ижтимоий функциялари, хизмат интизоми, ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган механизмлари* билан боғлиқ кенг қамровли илмий ёндашувни илгари суради¹⁶.

Шунингдек, *А.И. Ястребова* эса ўзининг “К вопросу о взаимодействии общественных организаций и органов полиции в сфере охраны общественного порядка в Российской Федерации” номли илмий асарида, жамоат тартибини таъминлаш фақатгина ички ишлар органларининг ички ташкилий фаолиятига боғлиқ эмас, балки фуқаролик жамияти институтлари, яъни жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликни талаб этади. Шу нуктаи назардан патрул-пост хизмати жамоат хавфсизлигини таъминловчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида эмас, балки ижтимоий шериклик асосида фаолият юритувчи давлат-ижтимоий институт сифатида таҳлил этган¹⁷. Бундан ташқари, *А.И. Ястребова* патрул-пост хизматининг ҳуқуқий мақомини Россия Федерациясининг “*Полиция тўғрисида*”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида аниқлаб, унинг асосий вазифаларини жамоат жойларида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатиш каби функциялар орқали намоён бўлишини таъкидлайди. Муаллифнинг таъкидлашича, ушбу хизмат полициянинг фуқароларга энг яқин бўғини сифатида жамоат билан интерактив муносабатларни ўрнатишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

А.И. Ястребова, шунингдек, патрул-пост хизмати фаолиятини самарали амалга оширишда жамоатчилик ташкилотларининг иштирокини фаоллаштириш зарурлигини илгари суради. Унинг таҳлилида жамоатчилик билан ҳамкорлик полиция органларининг жамиятдаги ижтимоий нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини кучайтириш ва фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишга замин яратиши қайд этилган. Шу билан бирга, у “*уч томонлама шериклик*” (полиция, маҳаллий ҳокимият ва жамоатчилик) моделини илгари суради экан, бу тизимда патрул-пост хизмати фаолияти ҳуқуқий-ташкилий жиҳатдан аниқ йўналишланган ҳолда олиб борилиши лозимлигини таъкидлайди.

Мутахассиснинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, патрул-пост хизмати жамоат хавфсизлигини таъминлашда нафақат қонун ижросини таъминловчи институт, балки жамиятда ҳуқуқий

¹⁶ Ўша манбаа: Десятова О.В. // <https://cyberleninka.ru/article>

¹⁷ Ястребова А.И. “К вопросу о взаимодействии общественных организаций и органов полиции в сфере охраны общественного порядка в Российской Федерации” // <https://cyberleninka.ru/article>

маданиятни шакллантирувчи ва профилактик таъсирни кучайтирувчи институционал механизм сифатида ҳам кўрилиши зарур. Шу нуқтаи назардан, патруль-пост хизмати фаолиятини қайта шакллантириш, унинг ҳуқуқий мақомини янгилаш ва жамоатчилик билан ҳамкорликнинг норматив-ҳуқуқий асосларини кучайтириш бугунги кунда долзарб илмий ва амалий вазифалардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, *А.В. Ерыгина* эса ўзининг илмий тадқиқотида патруль-пост хизматини ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида оператив-қидирув, профилактик ва маъмурий фаолиятларни уйғун тарзда амалга оширувчи махсус давлат институти сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, патруль-пост хизмати фаолияти жамоат жойларида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни фош этиш, аҳоли ва мулкнинг хавфсизлигини кафолатлашга қаратилган бўлиб, унинг самарадорлиги тўғридан-тўғри бошқарувнинг ҳуқуқий механизмлари билан таъминланган даражасига боғлиқдир¹⁸.

Муаллиф таъкидлаганидек, бу хизмат фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ ва аниқ тарзда тартибга солмасдан туриб, унинг тузилмавий самарадорлигини таъминлаш имкони бўлмайди. Айниқса, амалдаги норматив-ҳуқуқий базада патруль-пост хизматининг ваколатлари, вазифалари ва уларни амалга ошириш усуллари аниқ белгиланмаганлиги, кўпинча бошқарувда ноаниқлик, функционал дублирлаш, масъулиятсизлик ҳолатларини келтириб чиқармоқда¹⁹. Шу сабабли *А.В. Ерыгина* патруль-пост хизмати фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлигини илгари суради²⁰.

Бундан ташқари, *А.В. Ерыгина* патруль-пост хизмати вазифаларини қуйидаги тоифаларга ажратади: ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларнинг фош этилишида иштирок этиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тадбирларда тартибни сақлаш ҳамда махсус профилактик ишлар олиб бориш. Унингча, ушбу вазифаларнинг самарали бажарилиши учун хизматнинг ҳуқуқий мақоми аниқ ва мукамал тарзда белгиланиши, унинг асосида хизматчиларнинг вазифалари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва малака талаблари қатъий тартибга солиниши шарт²¹.

Муаллиф, шунингдек, патруль-пост хизмати фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хизматчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, профилактика тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш механизмларини яратиш каби ташкилий-ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишни тавсия этади²². Бу орқали хизматнинг ижтимоий мақоми юксалади, фуқаролар билан мулоқот сифатлироқ даражада йўлга қўйилади ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фаол таъсир кўрсатилади.

Бундан ташқари, мутахассис олимлардан *Н.В. Бородаенко* ва *А.В. Ерыгина* бўлса, патруль-пост хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш, бир томондан, ички ишлар органларининг жамоатчиликка яқинлашуви ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнида полиция фаолиятининг очиклиги ва натижадорлигини оширишга йўналтирилган ёндашувларни шакллантиради²³. Хусусан, мазкур хизматнинг ҳуқуқий мақоми – унинг давлат органи таркибидаги институционал ўрни, ваколат доираси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан белгиланади, вазифалари эса жамоат тартибини муҳофаза қилиш, аҳолининг

¹⁸ Ерыгина А.В. Проблемные вопросы правового обеспечения в сфере управления деятельностью патрульно-постовой службы полиции // Вестник Омской юридической академии. – 2016. – №1. – С. 65.

¹⁹ Ўша манбаа: 66-67-бетлар.

²⁰ Ўша манбаа: 68-бет.

²¹ Ўша манбаа: 69-бет.

²² Ўша манбаа: 71–72-бетлар

²³ Бородаенко Н.В., Ерыгина А.В. Основные направления совершенствования управления патрульно-постовой службы полиции в обеспечении общественного порядка // Право и управление. XXI век. — 2020. — №2. — С. 45–49.

хавфсизлигини таъминлаш, жинойтчилик ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси каби функциялардан иборатдир.

Бородаенко ва *Ерыгина* ўз изланишларида патрул-пост хизмати бошқарувини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берадилар. Улар жумладан,

1. *хизматнинг ҳуқуқий мақомини аниқ ва тизимли шаклда норматив жиҳатдан мустаҳкамлаш;*
2. *ташкилий тузилмани замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида қайта қуриш;*
3. *шахсий таркибни тайёрлаш ва рағбатлантириш тизимини ривожлантириш;*
4. жамоатчилик билан ўзаро муносабатни институционаллаштириш;
5. хизмат самарадорлигини баҳолаш механизмларини жорий этиш каби муҳим вазифаларни алоҳида таъкидлайдилар²⁴. Уларнинг фикрича, патрул-пост хизмати нафақат полиция органларининг амалиётдаги асосий бўғини, балки жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиб устуворлигини таъминловчи ижтимоий институт сифатида ҳам фаолият юритиши лозим.

Бундан ташқари, айрим илмий адабиётларда қайд этилишича, *патрул хизмати* – жамоатчилик билан ишлаш, ҳуқуқий ахборот тарқатиш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш каби **ҳуқуқий-тарбиявий профилактика фаолиятининг** ҳам ташувчиси бўлиши лозим. Унинг самарали фаолияти фақат ҳуқуқий ваколатлар эмас, балки маънавий ва ахлоқий тайёргарлик билан боғлиқ. Бу борада, *D.H. Bayley, C.D. Shearing* таъбири билан айтганда, “демократик полиция”нинг биринчи вазифаси – жамоатчиликнинг ишончини қозониш ва фаол мулоқот олиб боришдир²⁵.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқий доктриналарда ҳам патрул-пост хизмати (*patrol policing*) **“community-oriented policing”** модели доирасида қаралади. Жумладан, ЕХХТ (OSCE) ва БМТ (UNODC)нинг полицейлик ислоҳотларига оид қўлланмаларида таъкидланишича, патруль хизмати жамоат билан узвий ҳамкорликда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва хавфсиз муҳитни яратишга қаратилган бўлиши шарт. Бу ҳолат *“OSCE Guidebook on Democratic Policing”* (2012) ҳужжатида муфассал баён этилган бўлиб, унда полиция фаолиятининг самарадорлиги фуқаролар билан ишончли алоқа ва шаффофлик орқали таъминланиши таъкидланган²⁶.

Хорижий давлатлар амалиётида, хусусан, **Япония, Франция, Германия ва АҚШ**да патрул-пост хизмати фаолияти “ҳуқуқий хизмат” эмас, балки “инсон хавфсизлиги хизмати” сифатида ташкил этилади. Япониядаги *“Koban”* тизими полиция ходимларининг маҳаллаларда доимий жойлашувини таъминлаб, фуқаролар билан ҳар кунлик мулоқот ва уларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этишга йўналтирилган. Бу амалиёт “preventive and proximity policing” тушунчасининг амалий намоёни сифатида қаралади²⁷.

Шунингдек, халқаро инсон ҳуқуқлари стандартлари нуқтаи назаридан ҳам патрул-пост хизмати **инсон ҳуқуқларига ҳурмат** асосида амалга оширилиши талаб этилади. БМТнинг 2020 йилдаги *“Handbook on Police Accountability, Oversight and Integrity”* қўлланмаси полиция органларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи субъект сифатида белгилаб, патрул хизматларини жисмоний куч қўллаш эмас, балки мулоқот орқали ишончли муҳитни яратиш орқали амалга оширишни тавсия қилади²⁸.

²⁴ Ўша манбаа: 51–52-бетлар

²⁵ Bayley D. H., Shearing C. D. The Future of Policing. – Law & Society Review, 1996.

²⁶ OSCE. Guidebook on Democratic Policing. Vienna: OSCE, 2012. – <https://www.osce.org>

²⁷ Bayley D. H. Changing the Guard: Developing Democratic Police Abroad. – Oxford University Press, 2006.

²⁸ United Nations. Handbook on Police Accountability, Oversight and Integrity. – UNODC, New York, 2020. – <https://www.unodc.org>

Юқорида келтирилган миллий қонунчилик нормалари, маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар томонидан баён этилган илмий-назарий қарашлар, шунингдек, ривожланган мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган самарали тажриба ва халқаро ташкилотлар ҳужжатлари таҳлили асосида шу хулосага келиш мумкинки, бугунги кунда янги Ўзбекистонда патрул-пост хизмати фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, унинг ҳуқуқий мақоми ва вазифаларини мустаҳкамлаш борасида қатор илмий-амалий муаммолар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш учун аниқ норматив-ҳуқуқий ислоҳотлар талаб этилади. Хусусан:

биринчидан, патрул-пост хизмати ҳуқуқий мақомининг ноаниқлиги, унинг ижтимоий функциялари ва ваколатлари амалга оширилишида турли талқинларни келтириб чиқармоқда. *А.В. Ерыгина* таъкидлаганидек, амалдаги қонунчиликда патрул-пост хизматига оид нормалар тартибга солинмагани сабабли, бошқарувда ноаниқлик, функционал дублирлаш ва масъулиятсизлик ҳолатлари юзага келмоқда. Шу боис, ушбу хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи алоҳида қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ саналади²⁹;

иккинчидан, патрул-пост хизматида оид норматив-ҳуқуқий базадаги мавжуд зиёнлар, яъни 2016 йилда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун, 2017 йилдаги ПФ–5005-сон Фармон ва ПҚ–2940-сон Қарорда белгиланган вазифалар ўртасидаги мувофиқлашмаганлик, амалиётда муайян зиддиятларга олиб келмоқда³⁰. Бу эса ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризация қилиш, уларни узвий ва бир-бирига мос шаклда қайта таҳрирлаш заруратини юзага келтиради;

учинчидан, хизматчиларнинг касбий тайёргарлиги, ҳуқуқий саводхонлиги ва маънавий-ахлоқий салоҳиятини ошириш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Муттахассислар таъкидлашча, патрул-пост ходимлари учун мунтазам малака ошириш курслари, хизмат давомида аттестация ва ахлоқий тайёргарликни баҳолаш тизимларини жорий этиш зарур³¹. Масалан, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб, Ўзбекистонда “Фуқаролар билан ишлаш” модули асосида доимий ўқувлар ташкил этилган бўлиб, бу тажриба ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши талаб этилади³²;

тўртинчидан, патрул-пост хизмати фаолиятида жамоатчилик билан ҳамкорликнинг институционал асослари етарли даражада йўлга қўйилмаган. *А.И. Ястребова* таъкидлаганидек, жамоат тартибини таъминлаш фақатгина полициянинг вазифаси эмас, балки жамиятнинг кенг қатламлари, айниқса фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим³³. Шу сабабли, “уч томонлама шериклик” (полиция, маҳаллий ҳокимият ва жамоатчилик) моделини жорий этиш таклиф қилинади;

бешинчидан, ахборот-коммуникация технологияларини патрул-пост хизматида кенг жорий этиш муҳим вазифа саналади. Хусусан, хизмат автомашиналарини GPS воситалари билан жиҳозлаш, ходимларни видеорегистраторлар билан таъминлаш, электрон кузатув тизимларига интеграция қилиш ва фуқаролардан онлайн мурожаатларни қабул қилиш ҳуқуқий асосда таъминланиши лозим³⁴. ЕХХТнинг “*Democratic Policing*” қўлланмасига кўра, полиция фаолиятининг самарадорлиги фуқаролар билан ишончли алоқа ва очиқлик орқали таъминланади³⁵.

²⁹ Ерыгина А.В. Проблемные вопросы правового обеспечения в сфере управления деятельностью патрульно-постовой службы полиции // Право. – 2022. – №2. – С. 48–50.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон Фармони; ПҚ–2940-сон Президент қарори, 2017 йил 1 май.

³¹ Шарипов С.С. Патруль-пост хизмати фаолиятининг ҳуқуқий масалалари // ИИБ академияси илмий нашри. – Тошкент, 2021. – №3. – Б. 78–81.

³² Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 20 февралдаги 77-сон буйруғи.

³³ Ястребова А.И. К вопросу о взаимодействии общественных организаций и органов полиции в сфере охраны общественного порядка // Право и безопасность. – 2021. – №4. – С. 62–67.

³⁴ Бородаенко Н.В., Ерыгина А.В. Совершенствование управления патрульно-постовой службой: новые вызовы и подходы // Журнал административного права. – 2022. – №3. – С. 43–49.

³⁵ OSCE Guidebook on Democratic Policing. Vienna: OSCE, 2012. – p. 20–24.

Шу билан бирга, БМТнинг “*Police Accountability, Oversight and Integrity*” (2020) қўлланмасида полицейлик фаолияти инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва мулоқотга асосланган профилактикага таянган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги таъкидланади³⁶. Демак, юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, патрул-пост хизмати фаолиятининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, унинг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаш, замонавий технологиялар, жамоатчилик билан ҳамкорлик ва кадрлар салоҳиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш – жамоат хавфсизлигини таъминлашда ушбу хизматнинг институционал нуфузини ва амалий самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Демак, патрул-пост хизмати фаолиятини қайта концептуал таҳлил қилиш ва унинг ҳуқуқий асосларини тизимли такомиллаштириш бугунги кунда нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий эҳтиёж сифатида ҳам юксак долзарблик касб этади.

³⁶ United Nations. Handbook on Police Accountability, Oversight and Integrity. – New York: UNODC, 2020. – p. 17–25.